

ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ
ДУНЁҚАРАШИНИ КЕНГАЙТИРИШДА ТУТГАН ЎРНИ

Қудратов Пўлатхўжа, Ўзбекистон Миллий университети магистранти

Аннотация. Ушбу мақолада ёшларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш учун қандай салмоқли ишларни амалга ошириш мукнилиги, ёш авлодни ҳар томонлама етук баркамол, комил инсон бўлиб камол топишларини таъминлаш йўллари ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: мумтоз мусиқа, миллий мусиқа, ёшлар, мусиқий маданият, баркамол, етук, қадрият, урф одат.

Аннотация. В статье рассмотрены возможности проведения масштабной работы по расширению духовного кругозора молодёжи, пути формирования подрастающего поколения как полноценной, всесторонне развитой и совершенной личности.

Ключевые слова: классическая музыка, национальная музыка, молодёжь, музыкальная культура, всесторонне развитой, зрелый, ценности, традиции.

Abstract. This article provides information on the possibilities of implementing significant work to broaden the spiritual outlook of young people, and ways to ensure that the younger generation develops into a fully mature, well-rounded, and perfect person.

Key words: classical music, national music, youth, musical culture, well-rounded, mature, values, traditions.

Буюк Истиқлол шарофати ила мамлакатимизнинг сиёсий иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида туб ислохотлар бошланди. Бу жараён ўлароқ санъаткорлар, шу жумладан, мусиқа ижодкорлари ва олимлари фаолиятида ҳам янги уфқлар намоён бўла бошлади.

Инсон зоти қадимдан эзгуликни ардоқлаган ҳолда озодлик, эрк, хурриятга эришиш орзу умидлари билан яшаб келган. Ер юзидаги халқлар бундай муроду мақсадлар сари доимо интилиб, яширин ёки ошқора ҳаракатда бўлгани узун тарихдан аён. Дунё ҳамжамияти босиб ўтган тараққиёт йўли яна шундан далолат берадики, моҳияти бўйича муштарак тушунчаларнинг муҳим ва ажратиб бўлмас қирраларидан бири “маънавий” озодликдир. Дарҳақиқат, ўтган XX асрда турли мамлакатларда шу жумладан Ўзбекистонда ҳозирги кунда рўй берган жаҳоншумул аҳамиятга молик воқеликлар туфайли хурфикирлик ила халқпарварлик, миллатпарварлик ила инсонпарварлик тамойиллари олд ўринни эгаллади. Бу эса, ўз навбатида, башарият томонидан, айниқса, юксак қадрланаётган тинчлик, тотувлик, барқарорлик, тараққиёт каби эзгуликка чорловчи ғояларга йўғрилган илғор тафаккурнинг меваларидан бўлди.

Ҳозирги янгиланаётган Ўзбекистон тараққиётида маданият ва санъатнинг ўрни ғояси замирида мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ривожланиш сиёсатининг стратегик мақсади мустаҳкам маънавий-ахлоқий қадриятлар негизида янги жамият барпо этишдир. Маданиятни, шу жумладан, мусиқий маданиятни юксалтириш ислохотлар самарадорлигини оширишда, демократик тамойилларни қарор топтиришда ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошқаришда муҳим омиллардан бирига айланиб бормоқда.

Ёшларда юксак фазилатларни шакллантиришда, шунингдек, уларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтиришда мусиқа маданиятининг ўрни ва роли муҳим аҳамиятга эга. Шу

нуктаи назардан мусиқий маданиятининг ёшлар маънавий дунёқарашини кенгайтиришдаги тутган ўрнини тадқиқ этишнинг долзарблиги қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, Ўзбекистоннинг миллий тараққиётида маънавиятнинг устиворлигига таянувчи ижтимоий-фалсафий концепция жамият ривожланишида маданиятининг ўзига хос ўрнини белгилаб беради.

Иккинчидан, мумтоз мусиқий маданият шахс камолотининг барча босқичларида унга фалсафий, ахлоқий, эстетик ғояларни сингдиришда, юксак инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришда муҳим руҳий-эмоционал омил бўлиб хизмат қилади.

Учинчидан, Ватан мустақиллиги ёшларнинг ўз қобилияти, иқтидори, истеъдоди ва умуман эркин бадиий-ижодий фаолиятини ривожлантириш учун етарли объектив, субъектив шароитларни юзага келтиради.

Шу боис мусиқа маданиятининг янгиланиб бориш жараёнини жамият тараққиётининг барча соҳаларида юз бераётган ислохотларни уйғун ҳолда таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган даврда ёшлар маънавий дунёқарашини шакллантириб бориш учун қуйидаги тушнчаларни доимий равишда уларнинг онгига сингдириб бориш лозим деб уйлаймиз:

– “Мумтоз мусиқа”, “Мусиқий маданият” тушунчалари мазмун-моҳиятини ёритиб бориш;

– Ўзбекистон мусиқа маданиятининг маънавий ҳаёт билан алоқадорлигини таҳлил қилиб бориш;

– ёшларнинг маънавий-руҳий покланиши, миллий ўзликни англашида мусиқий маданиятнинг ижтимоий-тарбиявий ролини очиб бериш;

– Ўзбекистоннинг миллий тарқиётида Ўрта Осиё мусиқа маданиятининг ўзига хос ўрнини белгилаш;

– мумтоз мусиқа шахс камолотида муҳим руҳий-эмоционал омил эканлигини аниқлаш;

– ёшларнинг қобилияти, иқтидори, истеъдоди, иждодий фаолиятини ривож топиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш.

Шунингдек, мусиқа маданиятининг янгиланиб бориш жараёнини жамият тараққиётининг барча соҳаларида юз бераётган ислохотларга уйғун ҳолда таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир ўзбек хонадонига миллий чолғу асбоби, миллий куй ва қўшиқ кириб борсагина, санъат тирикчилик воситаси эмас, балки инсоний моҳият, ва истеъдодни намоён этиш бўлсагина, юракдан қўшиқ айтиш ёки рақсга тушиш уят ҳисобланмайдиган маданий-ахлоқий муҳит вужудга келсагина мусиқа маданиятимизнинг ютуқлари ва унинг порлоқ истиқболлари ҳақида фикр юритиш, у билан фахрланиш ҳуқуқига эга бўламиз.

Адабиётлар

1. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 204-б.
2. Ражабий Ю. Мусиқа меросимизга бир назар. – Т., 1978. – 185-б.
3. Мусиқа иждодиёти масалалари: Мақолалар тўплами. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 154-б.